

Кириш имтихонларининг иккинчи куни муваффақиятли ўтди

// 27 avgust 2020 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/rxtutest2>



Бугун 27 август куни Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети Тошкент шаҳридаги филиалига кириш имтихонларининг иккинчи куни муваффақиятли ўтказилди. Имтихон кимё фани бўйича бўлиб ўтди.

Д.И.Менделеев номидаги РКТУ Тошкент филиалида 2020-2021 ўқув йили куйидаги таълим йўналишларидан иборат:

- Кимё технологияси;
- Техносфер хавфсизлик;
- Материалшунослик ва материаллар технологияси;
- Материалларни бадий қайта ишлаш технологияси.

Филиалда ўқишнинг 40 фоизи давлат грати, 60 фоизи тўлов контракт асосида амалга оширилади.

Имтихонлар санитария-гигиена қоидаларига ва ижтимоий масофага риоя қилинган ҳолда очиқ ҳавода ўтказилди. Имтихонга киришдан олдин ҳар бир абитуриентнинг ҳарорати текширилди.

Абитуриентлар бир марталик тиббий ниқоб, қўлқоп, кепка, ручка, сув ва бир марталик стаканлар билан таъминландилар.

Кимё фани бўйича имтихонда Д.И.Менделеевнинг даврий жадвали ва калькулятор тарқатилди.

Айрим сабабларга кўра кириш имтиҳонларида қатнаша олмаган абитуриентлар тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган ҳолда захира куни яъни 29 августда ўтказиб юборилган имтиҳонни топширишлари мумкин.

Имтиҳонларни юқори савияда ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги техник кўмагида ўтказилди. Шунингдек, вазирлик имтиҳонларнинг онлайн трансляциясини ташкил этишда ҳам амалий ёрдам кўрсатди.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати







